

Риёзус солиҳийн (болалар учун) / Риёзус солиҳийн (болалар учун) / 26-ҳадис

26 – وَعَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «لَا يَجْزِي وَلَدٌ وَالِدًا إِلَّا أَنْ يَجِدَهُ مَمْلُوكًا، فَيَشْتَرِيَهُ، فَيُعْتِقَهُ». رَوَاهُ مُسْلِمٌ.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бола отасининг ҳаққини адо қила олмайди. Фақатгина отасини қул ҳолатида топиб, уни сотиб олиб озод қилгандагина, ҳаққини адо қила олади», дедилар.

Имом Муслим ривояти.

Шарҳ: Ислом инсонларда мукамал инсоний туйғуларни тарбия қилади. Ушбу инсоний туйғу ва қадриятларнинг аввалида ота- онаси олдидаги масъулияти туради. Хусусан, ота- она кексайганда бу масъулият янада ортади. Қуръони карим Аллоҳдан кейин ота- онанинг фазилатига иқрор бўлиб, уларга яхшилик қилишга ва итоат этишга тарғиб қилади. Чунки ота- онага итоатда бўлиш Аллоҳ таолога итоат қилиш Унга яқин бўлишни англатади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам Қуръони карим баён қилган таълимотни сўзлари ва амаллари билан кўрсатиб, инсонларни ота- онага яхшилик қилишга таълим бериб, ундайдилар.

Ҳадисдан ўрганганларимиз

1. Фарзанд отасига ҳар қанча яхшилик қилмасин, ота унга кўрсатган мурувват ҳаққини ўтай олмайди, тенглашолмайди.
2. Қадимда Ислом умматида ота- онанинг фарзандлардан миннатдор бўлиши деярли доимий анъана бўлган. Бугунги кунга келиб ушбу қадрият кам учрайдиган бўлиб, анчайин ночор алфозга тушган. Шунини билишимиз лозимки, ота- онамизга ҳар қанча яхшилик қилмайлик барибир кам, биз уларга янада кўпроқ мурувват кўрсатишимиз, яхшилик қилишимиз даркор экан.
3. Отамиз бизнинг дунёга келишимиз сабабчиси дея ҳурматлашимиз керак. Ҳар қанча яхшилик қилмайлик, унинг асли отамизга бориб

тақалишини унутмайлик.

4. Динимиз Ислom отa- онага гўзал муомала қилишга берган аҳамияти улкандир.

Манба: hadis.islom.uz



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI